

Тошкент вилоятининг зиёратчилари Макка сари йўлга чиқишди



21:18 / 07.06.2023 2086

Бугун Тошкент вилоятининг дастлабки беш гуруҳи зиёратчилари Мадинаи мунавварадан эҳром боғлаб Макка сари йўлга чиқишди.

Вилоят бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов бошчилигидаги юртдошларимиз Зулхулайфада ният қилиб, икки ракат намоз ўқиб, «Лаббайкаллоҳумма»ни айтган ҳолда йўлга чиқишди.

Улар Маккаи мукаррамага бориб, умра ибодатини адо этадилар.

Аллоҳ таоло барча зиёратчиларнинг ибодатларини қабул қилсин.

Тошкент вилояти вакиллиги
Матбуот хизмати